

*Муртазаев Бабааназар**Термиз ДУ доценти, филология фанлари номзоди***МУҲАММАД РАСУЛУЛЛОҲ ХАЛИФАЛАРИ**

Annotatsiya: Мақолада пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳнинг халифалари ва уларнинг фаолияти борасида сўз юритилади. Ҳар бир халифанинг хос фазилятлари, бу алломаи замонларнинг хулафойи Расулуллоҳ, яъни Аллоҳ элчисининг ўринбосарлари тарзида улуғланиши каби ҳодисаларга эҳтиром ва эъзоз изҳор этилади. Халифаларнинг иш фаолияти, ижро этган вазифалари атрофлича ёритишга ҳаракат қилиниб, уларнинг Ислом дини ривожига мавқелари тўқис эътирофини топган. Муқаддас мусулмон динининг ёйилишида уларнинг шойиста хизматлари Ислом тарихида зарҳал ҳарфлар билан битилгани ҳаммага маълум.

Kalit so'zlar: Ислом, Қуръон Расулуллоҳ, хулафойи рошидайн, пайғамбар, халифа, дин, мусулмон, эътиқод, имон, ихлос, сиддик, ҳадис, шариф, саҳобалар.

Abstract: The article discusses the caliphs of our Prophet Muhammad and their activities. Respect and admiration are expressed for the unique virtues of each caliph, as well as the fact that these scholars of the time were honored as successors of the caliph, the Messenger of Allah. An attempt is made to comprehensively explain the work and duties of the caliphs, their position in the development of Islam has been fully recognized. It is known to everyone that their meritorious services in the spread of the holy Muslim religion are written in golden letters in the history of Islam.

Key words: Islam, Quran, Prophet, Rightly Guided Caliph, Prophet, Caliph, Religion, Muslim, Faith, Faith, Iman, Ikhlas, Siddiq, Hadith, Sharif, Companions.

Аннотация: В статье рассказывается о халифах нашего пророка Мухаммада Расулуллы и их деятельности. Особые качества каждого халифа, прославление хуляфа Посланника Аллаха, т. е. преемников Посланника Аллаха, выражаются с уважением и почетом. Были предприняты усилия для всестороннего освещения деятельности и обязанностей халифов, их позиция в развитии ислама получила полное признание. Хорошо известно, что их заслуги в распространении священной мусульманской религии вписаны золотыми буквами в историю ислама.

Ключевые слова: Ислам, Коран, Посланник Аллаха, Хулафай Рашидайн, Пророк, Халиф, религия, мусульманин, вера, вера, искренность, сиддик, хадис, шариф, сподвижники.

Муҳаммад (570 – 632) Расулуллоҳ акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам (Аллоҳ элчиси кутлуғ олижанобга Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин)нинг халифа (ўринбосар)лари тўрт кишидир. Улар Абубакр ас-Сиддик (572 – 634), Умар ибн ал-Хаттоб (582 – 644), Усмон ибн Аффон (576 – 656) ва ҳазрат Али ибн Абутолиб (589 – 661)лар бўлиб, Абубакр икки йил (632 – 634), Умар ўн йил (634 – 644), Усмон ўн икки йил (644 – 656), Али олти йил (656 – 661) ҳукмронлик қилганлар. Ислом дини тарихида бу алломаи замонлар хулафойи рошидайн – тўғри йўл кўрсатувчи халифа (ўринбосар)лар, яъни хулафойи расулуллоҳ (Аллоҳ элчисининг ўринбосарлари) деган юксак ном ила аталганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. дан кейин ҳукмронлик қилган дастлабки тўрт халифа Ислом динининг устуворлашувида асосий мақомга эга улуғ шахслар ҳисобланади.

Муқаддас мусулмон динининг ёйилишида уларнинг шойиста хизматлари Ислом тарихида зарҳал ҳарфлар билан битилгани ҳаммага маълум.

Пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳи алайҳи васалламдан сўнг мусулмон дунёсида энг машҳур ва улуг сиймо Абубакр ас-Сиддиқнинг асл исми шарифи Абдуллоҳ ибн Абукуҳофадир. Абубакр Ислом динининг йирик намояндаларидан бири бўлиб, Муҳаммад Пайғамбарга ўта содиқ, ўта вафодор, ўта фидокор эди. Абубакрнинг ҳаёт йўли кўп жихатдан атрофдагиларга ибрат намунаси эди, унинг доимо руҳи тетик, юриш-туриши ибратомуз, саховатпарвар, қўли очик, кўнгли кенг, барчанинг ҳурмат-эътиборига сазовор эди. У доимо Пайғамбар ила суҳбатдош эди, бомдод намозини муттасил Пайғамбар билан биргаликда адо этгани боис Муҳаммад (с.а.в) уни Абубакр (тонг отаси) деган номга ноил топганлар. Абубакр тўғри сўз, динга ва диёнатга содиқлиги, Пайғамбарга садоқати, Пайғамбар ҳадисларини борица, ҳадисга бирор сўз қўшмай нақл этганидан “Сиддиқ” (“Тўғри”) деб аталади. Шунингдек, Абубакр хушовозликда тенгсиз эди, у Қуръони Каримни ғоят даражада тиловат қиларди, унинг овозининг ширалигидан таъсир кучи ниҳоят чексиз эди. У Қуръондан суралар тиловат қилса, гоҳо ўзининг кўзларидан тирқираб ёш томчилар ва ҳатто тингловчиларнинг ҳам кўзларидан шашқатор ёшлар оқар экан. Абубакрнинг буюк ишларидан бири шу бўлдики, халифа Умарнинг таклифи билан Қуръон саҳифаларини тўплашни иктидорли ёшлардан Зайд ибн Собит (вафоти 666) зиммасига юклади, чунки Зайд кўп йиллар Муҳаммад (с.а.в.)га котиблик қилган эди. Қуръон сура ва оятларини тўплаш ҳамда жамлаш ишида қатор саҳобалар ҳам иштирок этади, бу эса ишнинг нақадар жиддийлигини англатиб турибди. Бу тўпланган Қуръон нусхаси дастлаб Абубакр ҳузурида сақланади, унинг вафотидан сўнг халифа Умар қўлида сақланадиган бўлади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Абубакрнинг, айнан, Пайғамбар ҳадисларини тўплашда ва жамлашда ҳам хизматлари алоҳидадир, у Пайғамбар ҳадисларидан бир юз қирқ иккитасини ривоят қилган. Абубакр ривоят қилган ҳадислардан баъзиларига эътибор беринг:

– Сизларга доимо тўғри бўлиш кераклигини тавсия қиламан. Чунки тўғрилиқ билан яхшилик бир хил оралиқдадир.

– Тўғри ҳам, яхши ҳам – иккови жаннатийдирлар.

– Ёлғондан сақланинг, чунки ёлғон ёмонлик билан теппа-тенг. Уларнинг ҳар икковининг ҳам макони жаҳаннамдир.

– Бир-бирингизга ҳасад қилманг. Бир-бирингизга душманлик қилманг, бир-бирингиз билан аҳил бўлинг, эй Аллоҳнинг бандалари!

Хулафойи рошидийн – тўғри йўлдан борган халифаларнинг иккинчиси Умар ибн ал-Хаттоб халифалар орасида биринчи бўлиб, амир ал-мўъмин унвонини олган кишидир. Халифа Умар, шунингдек, “Умари одил” ва “Умари Форук” номларига ҳам сазовор этилган, чунки у адолатли ҳукмрон эди, у ҳақни ҳақсиздан фарқлаб, яхшини яхшига, ёмонни ёмонга ажратиш фазилатига эга эди. Халифа Умар доимо Муҳаммад Расулуллоҳнинг ёнида бўлиб, Пайғамбарнинг илмидан ва фазилатидан баҳраманд бўларди, ўз навбатида Пайғамбар (с.а.в.) ҳам Умарни чуқур ҳурмат қилар эди. халифа Умар айни дамда жуда билимдон инсон эди, унинг илми Аллоҳ китоби Қуръони Каримни энг яхши тушунишида намоён бўлади. Умар ўзининг жоҳилият даври, яъни Исломдан олдинги ҳаётини эслаб, айтар экан: “Қилмишимнинг бирига йиғлайман, бошқасига куламан. Жаҳолатдан туғилган қизларимни тириклайин кўмганимга йиғлайман. Ҳалводан бутлар

ясаб, кейинроқ оч қолганимизда уни еб қўйганимиздан куламан” (– Б. 27)¹. Дикқат қилинса, халифа Умар умрбоқий фикрларни изҳор этмоқда, зотан бу гаплар ҳар бир замон, ҳар бир замин учун дастуруламал вазифасини ўтай оладиган фикрлардир. Худди шу нарсага ҳозир ҳам амал қилсак зинҳор кам бўлмаймиз, аксинча, мартабамиз бундан-да зиёда бўлиши муқаррар. Халифа Умар инсонларга қарата, айнан инсонларнинг ўзигагина тааллуқли, улар учун ҳамиша ҳаётий дастур вазифасини ўташи мумкин бўлган нодир гапларни ҳам баралла айта олган: “... Кимки, ҳақсизликга дуч келса, ўзига зулм бўлаётганини сезса, дарҳол менга хабар берсин, чунки мен ҳам сиз каби бир инсонман, то айтмагунингизча уни билолмайман” (– Б. 28).

Халифа Умарнинг гапи билан иши бир бўлиб, бундан зинҳор оғишмай ўз аҳдига ҳамиша қатъий турган. Халифа Умар, чунончи, қотил ханжари зарбидан қаттиқ жароҳат олиб, ўлим тўшагида ётганда, атрофдаги улуғлар унинг фарзанди Абдуллоҳни халифаликка тавсия қиладилар. Шунда Умар уларга қараб: – “Бизнинг уйдан шу қурбоннинг ўзи етар, бошқаси оғирлик қилади”, – деган экан. Бу катта мардлик, юксак маънавият, беқиёс тантилик, улуғ жасорат, беҳад матонат намунаси, унинг ҳаётида бу хил воқеа-ҳодисалар кўп бўлган. Унинг шахсан саъи-ҳаракати туфайли Қуръони Карим ва Муҳаммад (с.а.в)нинг Ҳадиси Шарифлари безавол етиб келган. Унинг айнан ўзи Пайғамбардан беш юз етмиш учта ҳадис ривоят қилгани тарих саҳифаларида қайдини топган, бу борада у ўз сафдоши халифа Абубакр билан бақамти ҳаракат қилган. У айна пайтда саховатпеша, раҳмдил, инсонпарвар, юртсевар раҳбар эди, ҳикоят қилинишича, халифа Умар ўз одатича бир куни айланиб, кезиб юриб, қайсидир кўчадан ўтиб кетаётса, бир ҳовлидан киши юрагини эзиб юборадиган гўдакларнинг йиғиси эшитилибди. Ҳовлига кирса, бир муштипар онаизор оддий қозонда сув тўлдириб, тагига ўт қалаб ёкиб ўтирган экан. Онаизорнинг гапига кўра болалар уч кундан бери оч-наҳор экан, уларни алдаш илинжида қозонни сувга тўлдириб, гўё атала пишираётгандек ҳаракат қиляётган экан. Халифа дарҳол изига қайтиб, саройга келиб, саройдан аёл ҳовлисига егуликлар олиб борибди, шунда халиги аёл уни дуо қилиб: “Асли Умарнинг ўрнига ўзинг халифа бўлишинг керак экан”, дебди. ...

Усмон ибн Аффон халифалар ичида учинчиси, у ўз оилавий хонадони ақидасига қарши бориб, пайғамбар тарафдорлари тарафига ўтиб, илк Исломни қабул қилганлар сафида туради. Манбаларнинг гувоҳлигича, Усмон ўзидан олдинги халифа Абубакр билан яқин алоқада бўлиб, ўзаро аҳил ва иноқ дўст бўлишган. Абубакр кўпинча Усмоннинг тантилиги ва зукколигига қойил қолиб, унга тан берар экан, бир куни Абубакр хаста холида ўзидан кейин бўладиган келажақдаги шу вазифани эгаллайдиган бўлғуси халифанинг вазифалари, кайфияти, феъл-атвори хусусида Усмон билан суҳбат куради. Шунда бу суҳбат мазмунини Усмон қоғозга тушираётган экан, нима бўлибди-ю, хаста Абубакрнинг кўзи илинибди, буни сезган Усмон, Абубакр вафот этди деб, бўлажак халифанинг исмини Умар деб ёзиб қўяди. Бу орада Абубакр уйқудан туради ва ўзига келгач, Усмондан кимнинг номини ёздинг дейди, у эса Умарнинг номини ёзганини айтади, Абубакр бу хил самимиятни кўриб Усмонга янада ҳурмати ҳамда иззати ошади.

Усмоннинг халифалик замонида муҳим ва эътиборли ишлардан бири Қуръони Карим сураларини мукаммал жамлаш, айниқса, унинг нусхаларини кўпайтиришдек хайрли иш

¹ Ирисов Абдусодик. Чаҳорёрлар. – Тошкент: “Фан”, 1993. – Б. 27. Кейинги кўчирмалар ҳам айнан шу манбадан олингани боис, қавсда саҳифасига ишора қилинади.

амалга оширилади. Куръони Каримнинг нусхалари етти нусхага етказилиб, бу нусхалар Макка, Куфа, Басра, Яман, Дамашк, Баҳрайнга жўнатилади, асл нусха Мадинада қолдирилади ва у “Имом” номи билан аталади. Куръони Каримнинг шу кунги кўринишининг юзага келишида халифа Усмон ва унинг атрофидаги алломаларнинг хизмати алоҳидадир, Усмон, ҳатто Пайғамбарга маълум муддат котиблик ҳам қилган кишилардан бири бўлади. Халифа Усмон даврида ҳадис ва фикҳ соҳаларида ҳам анча катта ишлар амалга оширилиб, хусусан, Пайғамбар ҳадисларини тартибга солиш ишлари яхши тизимга солингани бор ҳақиқат.

Усмон халифалигининг охирги йиллари унга қарши турган рақибларнинг фитна ва исёнлари авж олади, бу эса мамлакатда нотинч ҳолатнинг ривожланишини кучайтиргандан кучайтиради. Рақиблар мисрлик, куфалик ва басралик шахслар бўлиб, Мадинага келиб, халифа Усмоннинг уйини ўраб олади, шунда Али ибн Абутолиб исёнчиларни тинчитишга ҳаракат қилади. Халифанинг соқчилари ҳам ўша жойда эди, соқчилар исёнчиларга қарши чора кўрмоқчи бўлишади, бироқ халифа Усмон тўполонни тинчитиб, қон тўкилишининг олдини олишга интилади. Имом Термизийнинг шу воқеаларга доир келтиришича, ана шундай мураккаб ҳолатда ҳам халифа Усмон: “Мен ҳеч қачон мусулмоннинг қонини тўкадиган халифа бўлмоқчи эмасман. Буни истамайман ҳам. Мен одам қони тўкилмасин, деб Аллоҳга сиғинаман. Мен уришсам улар устидан ғолиб келишимни ҳам яхши биламан. Фақат буларни кимдир гиж-гижлаган, уларни Аллоҳга ҳавола этаман”, деб ўз соқчиларини жангдан тийган (– Б. 45). Аммо халифа Усмон қўллаган барча эҳтиёт чоралар мутлақо самара бермайди, унинг оқибати ўз-ўзидан аён эди, алалоқибат Усмон ўша машъум жараённинг қурбони бўлади.

Ҳазрати Али хулафойи ар-рошидийнинг тўртинчиси бўлади, унинг отаси Абутолиб (Толибнинг отаси, чунки Али акасининг исми Толиб эди, асл исми Имрондир), онаси Фотима номли аёл. Али ибн Абутолиб Пайғамбарнинг тарбиясида катта бўлган, қолаверса, Муҳаммад (с.а.в.)ни биринчилардан бўлиб тан олади, Исломни қабул қилади ва Пайғамбарнинг қизи Фотимага уйланади. Али Фотимадан Ҳасан ва Ҳусан исмли икки ўғил фарзанд кўради, шулар айнан Пайғамбар авлодининг давом эттирилишига сабабчи бўлади, Муҳаммад (с.а.в.) ўз неваралари билан фахрланиб, “булар дунёда менинг ўпиб хидлайдиган икки райҳонимдир” дер эканлар (–Б.50 – 51). Али саҳобалар орасида Пайғамбарга энг яқин саҳоба (сухбатдош) ҳисобланади, Пайғамбарнинг энг севган сўзлари ҳам Алига нисбатан айtilган: “... мен илмнинг бир шахри бўлсам, Али унинг эшигидир, илм ўрганмоқ истаганлар унинг эшигидан кирсин” (–Б.52). Билим доираси кенг, маънавий савияси баланд Али томонидан Пайғамбарнинг кўпдан-кўп ҳадислари ривоят этилган, демак Ҳадиси Шарифларнинг тўпланишида, тарқалишида Ҳазрати Алининг хизматлари шойиста экан. Қолаверса, Алининг ўзининг ҳадислари ҳам эътиборли ва унинг ҳадисларининг тарбиявий аҳамияти мусулмон оламида эътирофини топган. Пайғамбар доимо айтар эканлар:

- Али Аллоҳ ва Расулни севар, Аллоҳ ва Расул ҳам уни севади.
 - Алини севган мени севар, мени севган Аллоҳни севади.
 - Мен Алиникиман, Али эса меникидир.
- Али ибн Абутолиб дер экан:

- Орзуга берилмаслик буюк бойликдир.
- Қаноат туганмас молдир.

- Тил мисоли шердур, уни фақат ҳамладан ҳоли қилиш керак.
- Кишига яхши хулқдек дўст топилмас.
- Дунёда одобдай яхши мерос бўлмас.
- Қамбағаллик энг катта ўлимдир.
- Ўлкани бошқарган киши ўзича фикр юритиши керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Беляев Е.А. Арабы, Ислам и арабский халифат в раннее средневековье. Второе издание. – Москва: “Наука”, 1966. – 280 с.
2. Бобохонов Ш., Ирисов А. Ҳадис илмининг пешволари. – Тошкент: “Нур”, 1992. – 72 б.
3. Ирисов Абдусодиқ. Чаҳорёрлар. – Тошкент: “Фан”, 1993. – 62 б.
4. Шайх Муҳаммад Солдиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Муқаддима. – Тошкент: Шарқ, – 2003. – 160 б.
5. Шайх Муҳаммад Солдиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Ният, ихлос, илм китоби. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 256 б.
6. Шайх Муҳаммад Солдиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Яхшилик ва ахлоқ китоби. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 448 б.